

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни
— 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАРШАНБА КҮНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил июн

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҮМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

Баҳоси эркин нарҳда



ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШУВ

Республикаимиз Президенти Ислам Каримов Тошкентда барпо этилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи қурилишида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Мамла-

катимиз раҳбари бу музейнинг кишиларимизни, айниқса, ёшларни тарихга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этишини таъкидлаб, уни

безаш, экспонатларни жойлаштириш борасида маслаҳатлар берди.

ГАРВАРДДА ТАНИШТИРИШ МАРОСИМИ

АҚШдаги Гарвард университетининг клубида «Ислам Кари-

мов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг таништирув маросими бўлиб ўтди. Китоб билан таништириш маросимида сўзга чиққанлар, у америкалик китобхонларни Ўзбекистон ва унинг раҳбари ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлишларига ёрдам беришини қайд этдилар.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликда Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси вице президенти Минору Кубота раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув якунида Тошкентда вагонларни таъмирлаш заводи қурилиши

бўйича икки мамлакат ўртасида кредит битими имзоланди.

ЛОХУРДА ЖАМГАРМА БЎЛИМИ

Покистоннинг Лохур шаҳрида Амир Темура халқаро жамғармасининг бўлими очилди. Жамғарма раҳбарларининг покистонлик бир гуруҳ ёзувчилар билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида шу ҳақда қарор қабул қилинди. Покистонлик таниқли ёзувчи Тохир Асломо Гора жамғарманинг Лохур бўлими раиси этиб тайинланди.

БЮСТ ЎРНАТИЛДИ


Бухорода таниқли давлат ва жамоат арбоби Файзулло Хў-

жаев таваллудининг юз йиллиги муносабати билан бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, шаҳарда Файзулло Хўжаевга бюст ўрнатилди, уй-музейи қайта таъмирланди.

НУКУСДА ТЕННИС МАЖМУИ

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида 600 ўринли теннис мажмуи фойдаланишга топширилди. Унинг таркибида бешта корт, гўзаллик салони ва бошқа маданий-маиший хизмат корхоналари бор.

ЎзА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



Қизгинам кўзингда бахтнинг жилваси,
Покиза орзулар сочай бошингдан.

Муҳаммад АМИН сурати

УШБУ СОҢДА:

3-БЕТ:

ИСЛОМ ВА АХЛОҚ

«Муслмончилиқ ахлоқи деганда исломий иймон ақидаларидан келиб чиқадиган талабларга амал қилиб яшаш тушунилади»



4-БЕТ:

ҚАДРНИ ЙИҒЛАТГАН ҚЎШИҚ

«Энди хотиним ҳам, мен ҳам хизматдаги одамлар. Болалар боғчага, мактабга кетишади. Бутун бошли уйни кампирга ташлаб кетсак...»

**АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!**



Тел 39-16-56

ФАХ 39-17-63

Мамлакатимиз мустақиллиги жамиятимизнинг барча жаҳалларида, шу жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида ҳам қатор муаммоларни ҳал этишга имкон берди.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, фуқаролар, шунингдек, нафақахўрлар, ногирон, кекса, ҳомиладор ва ишчи-хизматчи аёллар, турли тоифадаги ёшлар, болаларнинг ижтимоий, маънавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор Фармонларнинг қабул қилинганлиги, шу жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Республикада хотин-қизларнинг давлат ва ижтимоий қурилишдаги ролини ошириш, соғлом авлодни шакллантиришга бўлган катта эътибордан далолатдир.

Ушбу Фармон Президентимиз ва ҳукуматимизнинг хотин-қизларга, уларнинг давлатни бошқаришдаги, ижтимоий ҳаётдаги билими, кучи, ақлу заковати, фаҳму фаросати, имкониятларига бўлган ишончининг ёрқин намунаси эканлигидан далолатдир.

Албатта, хотин-қизларимизнинг бундай юксак мавқега эга бўлишларининг, уларга билдирилган ана шу ишончининг замирида давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳада олиб бораётган сиёсатини ҳар бир хотин-қиз оғига етказиш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, том маънода маънавий маданиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий мавқеини, ақлий-маърифий савиясини энг тараққий этган мамлакатлар хотин-қизлари даражасига етказиш, кам таъминланган, ночор, кўп болалик оилаларни ижтимоий муҳофаза этиш, ҳар бир оилага кириб бориш, ногирон, кекса, бемор болалар ва аёлларнинг тиббий, ижтимоий ва меҳнат реабилитациясига эътиборни кучайтириш, хотин-қизлар меҳнати ва билимидан самарали фойдаланиш тизimini яратиш, уларни тadbиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятига жалб этиш, маънавий ва жисмоний соғлом, комил инсонни шакллантириш, хотин-қизлар маънавияти ва маданиятини ошириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фидокорлик қилишлари тақозо этилади.

Дарҳақиқат, бу масалаларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан уларнинг назарий асосларини аниқ ва пухта белгилаб олишга боғлиқ. Ана шу боис Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари бўлими томонидан «Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция», ушбу концепция асосида «Республика ҳудудида қизларни турмушга тайёрлаш», «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи», «Аёл ва экология», «Аёл, оила ва маҳалла», «Хотин-қизлар меҳнاتини ижтимоий муҳофаза қилиш», «Республика хотин-қизларининг халқаро муносабатлари ва алоқаларни мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида» каби қатор дастурлар яратилди. Эшқур дастурларни амалиётга табиқ этишда бўлими барча вазирликлар,

ҳокимиятлар, жамоат ташкилотлари, республика хотин-қизлар кўмитаси ва вилоят хотин-қизлар билан ишлаш шўъбалари ва уларнинг қошида ташкил этилган «Олима», «Иқтисодчи аёл», «Хуқуқшунос аёл», «Ижодкор аёл», «Экология ва аёл» каби уюшмалари ҳамда жамғармалар кучига таянмоқда.

Бозор иқтисодиёти ишбилармонлик, тadbиркорлик, теран фикр билан иш юритишни тақозо этади. Аёлларимиз мамлакатимизда бошланган ишбилармонлик ва тadbиркорлик фаолиятига ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштиришда хотин-қизлар

даги илғор умумбашар ғоялардан ижодий фойдаланадилар. Бу эса Республикада кенг қулоч ёзган «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатида хотин-қизларимиз қўшаётган улушдир.

Республика хотин-қизлари мустақиллик шарофати туфайли халқаро хотин-қизлар ҳаракатида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Хозирги пайтда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари, Покистон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар хотин-қизлар ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослашган ташкилотлари — ЮНИСЕФ,

торда бизни ўйлантираётган, ташвишга солаётган муаммолар ҳам борки, улардан асло кўз юма олмаيمиз. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан оила қуришга тайёр бўлмаган 16-17 ёшлик қизларимизни турмушга бериш ҳоллари мавжуд. Бунинг орқасидан эса салбий ҳолатлар юзага келади, албатта. Бу ёшда фарзанд кўриш оқибатида ҳам онанинг, ҳам боланинг соғлиғига путур етиши мумкин. Қолаверса, хали оилавий ҳаётнинг турли иқир-чиқирларини тўла англаб етмаган бу ёш келинлар қайно-та-қайноналарининг хизматини улар хоҳлагандек адо этишолмас, рўзгорда жанжаллар чиқади, энг ачинарлиси, оила дарз кетади. Шунинг учун республикаимизда соғлом авлодни шакллантириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб турган бир пайтда, биринчи навбатда, аёлларимизни, қизларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом бўлишлари-га эътиборни кучайтириш, ёшларимизни мустақил турмуш қуришга, рўзғор юритишга ҳар томонлама тайёрлаш ҳаммамизнинг диққат марказимизда бўлиши керак. Хуқуқий давлат қураётган бир даврда аёлларимизнинг хуқуқий, иқтисодий билим даражаларини ошириш ҳам эътибор бериш керак. Ортиқча чикимларсиз тўй-ҳашамлар, турли маросимлар ўтказишни йўлга қўйишда ҳам хотин-қизларнинг содир этилиши тақозо этилмоқда. Қишлоқ аёллари меҳнатини энгиллаштириш масалалари биздан ўз ечимини кутмоқда. Хотин-қизлар, ёшлар томонидан ҳар хил ахлоқсизликлар, жиноятларнинг содир этилиши ҳоллари ҳам, афсуски, учраб турибди. Бундан қўринадики, хотин-қизлар кўмиталари, шўъбалар вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари тез-тез маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида, корхона ва ташкилотларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини, қонулар устиворлиги, ҳар қандай жиноятнинг жазосиз қолмаслиги ҳақида суҳбатларни, тарғибот ишларини кучайтиришлари лозим.

Шундай қилиб, халқимиз ҳаётида янги давр бошланди. Туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг иккинчи босқичи мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб олинди. Ушбу ислохотларнинг муваффақияти ҳар бир Ўзбекистонлик фуқаронинг қўлида. Демак, республикамизнинг дунё миқёсида тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олиши, Ўзбекистон аҳолисини туқ-фаровон турмуш кечирини, бахт-саодатга эришини истаган ҳар бир хотин-қиз ислохотларнинг иккинчи босқичи мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бор имконияти, куч ва гайратини, билимини сарфлашига иймонимиз комил.

Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар
ишлари бўлими мудир

АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

ишлари бўлими томонидан ташкил этилиб, республика миқёсида ўтказилаётган «Аёл ва бизнес» мавзудидаги минтақавий семинар яқиндан ёрдам бериши табиийдир.

Мазкур семинардан кўзланган мақсад республикаимизда кенг қулоч ёзаётган ишбилармонлик ва тadbиркорлик фаолиятига хотин-қизларнинг кенг жалб этилиш, уларни кичик, қўшма, хусусий тadbиркорликни ривожлантиришда, фермер-деҳқон хўжаликлари, унча катта бўлмаган кооперативлар, пудратчи ва ижара оила жамоалари, ширкатчилик шакллари тараққий эттиришга муносиб улушларини қўшишларини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, давлатимизнинг инсон омили ҳақидаги ғамхўрлиги жавобан қишлоққа соаноати олиб кириш, янги иш ўринларини вужудга келтириш, меҳнат соҳаларини кенгайтириш халқимизнинг кўп асрлик ҳайратмандчилик, меъморчилик, деҳқончилик, тижорат ва бошқа кадрларни тиклаш, ёшларни жумладан, қизларни, янги техника ва технологияни кунт билан ўрганишга даъват этиш, уларни халқаро бозор муносабатларига тайёрлаш, қимматли қоғозлар бозори моҳиятини тушуниб олишларига эришиш, чет эл инвестициясини мамлакатимизга олиб киришдаги фаоллигини ошириш, мулкдорлар синфини вужудга келтиришда ҳамда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга муносиб улуш қўшишларини таъминлашда назарий ва амалий йўналишлар беришдан иборатдир.

Халқимизнинг кўп минг йиллик маданияти, тарихи бор. Асрлар тўғрисида шаклланган, такомиллашган ва қадрият даражасига кўтарилган ўз анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, бой маданияти бор. Ўзбек хотин-қизлари ўз тарихий анъаналари, турмуш тарзидан фخرланиш ва уларни қадрлаш билан бирга, жамият тараққиётида бошқа халқлар, миллатларнинг маданияти ва маънавиятини ҳам ўрганадилар, улар-

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Марказий Осиёдаги қўшни республикалар хотин-қизлар ташкилотлари билан ҳам алоқалар ўрнатилмоқда. Республика хотин-қизлар кўмитаси Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Аёл ва жамият» уч босқичли семинари хотин-қизларнинг ҳар томонлама фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шарқ аёли учун оила муқаддас даргоҳ. Айнан шу даргоҳда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби олий даражадаги маънавий қадрият шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Аёл шу муқаддас даргоҳда ўзининг маънавий-ахлоқий поклиги, тadbиркорлиги, ижодкорлиги, тежамкорлиги, гайрат-шижоати билан намуна бўлади, унинг мустаҳкам қалъага айланishi-да жонбозлик қилади. Аёл оламига хос тadbиркорлик, тежамкорлик, ишончу ирода, садоқат, ҳаё, ибод, ифрат оила ва жамият учун катта таянчдир. Бунга жавобан эса биз Президентимиз таъбири билан айтганда, «Оналарнинг обрў-эътиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак. Она тўғрисида; унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир ва биз Ўзбекистондаги оналар ҳамда уларнинг фарзандлари таъминланган, соғлом, бахтиёр бўлишлари учун, уларнинг келажака умид билан дaдiл, беҳавотир боқишлари, эртанги кунга ишонч билан яшашлари учун барча ишни қилмоғимиз зарур».

Ш у
б и л а н
б и р к а -

• Муассисларимиз фаолиятдан

ЭЛ СОҒЛИГИГА КАМАРБАСТА

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг Фарғона вилоят бўлими ташкил этилганида вилоят «Дори-дармон» акционерлик бирлашмасига қарашли дорихоналардан бири унинг ихтиёрига берилди.

«Соғлом авлод учун» дорихонасининг бошқа дорихоналардан ажралиб турадиган хусусияти шундаки,

бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилган, дори-дармонлар хилма-хил. Имтиёзли рецептлар билан уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, шахсий нафақахўрларга, бод (ревматизм), диққи нафас каби сурункали касалларга дориларни бепул ва 50 фоиз арзонлаштирилган нархда бериш йўлга қўйилган.

Қамариддин Умрзоқов раҳ-



Даврон Аҳмад сурати

барлик қилаётган жамоа аъзолари маҳаллий ва Венгрия, Исроил, Германия, Словения, Корея, Буюк Британия, Полша каби хорижий давлатлар фармацевтика фирмалари билан ҳам шартномалар тузганлар.

Дорихона жамоаси хайрия ишларидан ҳам четда қо-

лаётганлари йуқ. Жумладан, Фарғона шаҳридаги ақли заиф болалар интернатуига, қариялар уйига, гудаклар уйига, болалар богчаларига қилган саховатлари фикримиз далилидир.

Мирзамир
МИРЗАШАРИПОВ

Кенг маънода олганда ахлоқ асос эътибори билан кишининг ўз-ўзига, бошқаларга, жамиятга, табиатга ва ниҳоят, бутун инсониятга нисбатан ботиний (ички) ва зоҳирий (ташқи) муомала-муносабатидан баҳс юритадиган илм соҳаси ҳисобланади. Тор маънода эса ахлоқ одам шахсининг ўз хулқ-атворини идора қила билишини аналтади.

Ана шу икки нуқтаи назардан олиб қараганда ислом ахлоқни қандай тушунади ва тушунтиради?

Аввало, ислом одамзотнинг ўзи томонидан турли даврларда тўқиб чиқарилган ранг-баранг инсоний динлардан, демакки, чекланган ва ботил тасаввурлар асосига қурилган таълимлардан тубдан фарқ қилади ва самовий динлар жумласига қиради. Бундан ислом бутун Коинотнинг ва ундаги жамияти махлуқот билан мавжудотнинг яратувчиси Аллоҳи Таоло томонидан инсониятга 124 нафар пайгамбар орқали эндирилган илоҳий динларнинг бири экани аён бўлади. Барча самовий динларнинг шариатлари бошқа-бошқа бўлса ҳам, асл моҳияти бирдир. Негаки, самовий динларнинг барчаси Тавҳидни оқлайди, яқшаудоликни тан олади, ёлғиз Тангри Таологагина ибодат қилишга чақиради.

Пайгамбарлар орқали юборилган илоҳий саҳифалару кудсий (муқаддас) китоблардан фақат Қуръони Каримгина аслидагидек, бирор-бир ўзгаришга учрамай бизгача етиб келган, қолганлари эса ё йўқолиб кетган ва ёки кўп жойлари ғаразли мақсад-манфаатлар туйғайли кишилар томонидан ўзгартириб юборилган ҳолда етиб келган. Аллоҳи Таоло то Қиёматгача барҳақ бўлиб қоладиган сўнги илоҳий китоби — Қуръони Каримни нозил қилиб бўлди, хотамул анбиё-охирги пайгамбари — Мухаммад (с.а.в.) ни юбориб бўлди, тақомилга етказилган дин — Ислоний жорий этиб бўлди. «Албатта Оллоҳ наздида, — дейилади Қуръони Мажидада, — мақбул бўладиган дин фақат Ислон динидир» (Ол-и Имрон сураси, 19-оят таржимаси). Худои Таоло бандаларини шундай оғоҳлантиради ўз қаломиди: «Кимда ким Ислондан ўзга дин истаса, бас, (унинг «дин»и Оллоҳ хузуриди) харғиз қабул қилинмайди ва охирада зиён кўргувчилардандир» (Ол-

и Имрон сураси, 85-оят таржимаси).

Ислоннинг луғавий маъноси бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ бўлиб, шаръий маъноси Ҳақ Субҳонаху ва Таолога бўйсунушни, Унинг бандаларга бюрган жамияти амуру фармонларини қулқоқмай адо қилишни билдиради. *Бинобарин, ислом дунёвий ахлоқнинг келиб чиқишини илоҳий деб билади*, бандаларнинг Худои Таолога хуш келадиган, ёқадиган хулқ-атворини хусни ахлоқ ва ё хушхулқ ёхуд хушхулқ деб, Унга хуш келмайди, ган, ғазабини келтирадиган хулқ-атворини ахлоқи эмас, имам (ёмон) ва ё, бадахлоқ, ё бўлмаса бадахулқ деб юритади. Бошқачароқ айтдир. Негаки, самовий динларнинг барчаси Тавҳидни оқлайди, яқшаудоликни тан олади, ёлғиз Тангри Таологагина ибодат қилишга чақиради.

Пайгамбарлар орқали юборилган илоҳий саҳифалару кудсий (муқаддас) китоблардан фақат Қуръони Каримгина аслидагидек, бирор-бир ўзгаришга учрамай бизгача етиб келган, қолганлари эса ё йўқолиб кетган ва ёки кўп жойлари ғаразли мақсад-манфаатлар туйғайли кишилар томонидан ўзгартириб юборилган ҳолда етиб келган. Аллоҳи Таоло то Қиёматгача барҳақ бўлиб қоладиган сўнги илоҳий китоби — Қуръони Каримни нозил қилиб бўлди, хотамул анбиё-охирги пайгамбари — Мухаммад (с.а.в.) ни юбориб бўлди, тақомилга етказилган дин — Ислоний жорий этиб бўлди. «Албатта Оллоҳ наздида, — дейилади Қуръони Мажидада, — мақбул бўладиган дин фақат Ислон динидир» (Ол-и Имрон сураси, 19-оят таржимаси). Худои Таоло бандаларини шундай оғоҳлантиради ўз қаломиди: «Кимда ким Ислондан ўзга дин истаса, бас, (унинг «дин»и Оллоҳ хузуриди) харғиз қабул қилинмайди ва охирада зиён кўргувчилардандир» (Ол-

и Имрон сураси, 85-оят таржимаси).

Ислоний иймон билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, «Ло Илоҳ илаллоҳу Мухаммадур расулуллоҳ» («Алоҳдан ўзга Мабуд (топиниладиган Зот) йўқ, Мухаммад (а.с.) Унинг пайгамбаридир») калимасини тил билан такрорлаш ва кўнгил билан тасдиқлаш орқали киши иймон келтириб, мўминлар сирасига қиради. Ислоний иймоннинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бир-бирини такозо этадиган етти та машхур ақидаси мавжуд. Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) ўз Ҳадисларидан бирида иймон ҳақида сўз юритиб, унинг етмиш ва бир неча бўлаклари бор, дея марҳамат қилганлар. Бу бўлақлар ростлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, раҳмдиллик, муруват, сабр-қаноат, инсоф, шарм-ҳаё, камтарлик, садоқат, вафо, савоат, жумардлик, жамият, субут сингари номлар билан аталади ва уларнинг ҳар бири исломий, яъни мусулмончилик ахлоқининг турли қирраларини намоён қиладиган фазилат саналади. Аслини олганда мусулмончилик ахлоқи деганда исломий иймон ақидаларидан келиб чиқадиган талабаларга амал қилиб яшаш тушунилади.

Қуръони Азимуш Шавнда (Ва-з зориеъ сурасининг 56-оятига қаралсин) хабар берилишича, Худованди Карим жини инсонни фақат Узигагина ибодат қилиш учун яратган, барча махлуқотдан одам боласини азизу мукаррам қилган ва уни бу дунёнинг халифаси этиб тайин этган. Модомики шундай экан, бу беш кунлик дунёда инсон Аллоҳи Таолога тоат-ибодатни тарк этмай, У бандасига ато қилган одамийлик шаън-шарафини ҳаммиса юксак тутиб, зиммасидаги халифалик вазифасини бунёдкорлик ва ободончилик билан ўринлатиб, ўзидан яхши ном қолдириб кетиш учун яшаш керак. Миллатимиз фаҳри Ҳазрат Навоий алайҳир раҳма айна хусусда шундай марҳамат қилиб кетмишлар:

*Бу гулшан аро йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик бирла от.*

Тоат-ибодат мазмуни кенг тушунча-истилоҳдир. Хар кунги беш вақт намоздан ташқари, ҳалол ризқ излаш ҳам, жамияту кишиларга қилинадиган жамияти ҳолис яхшилик ҳам тоат-ибодат сирасига қиради.

Саҳобалардан Жобир ибн Абдуллоҳнинг уч қайтала: «Яхшилик нима?», деган саволларига Сарвари Коинот Қуръони Каримдаги намоз, ота-она, ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ ҳақида дарж этилган илоҳий амуру фармонлардан келиб чиқиб шундай жавоб қилган эканлар: биринчидан, беш вақт намозни ўз вақтида ўқиш (негаки, намоз умуман бузуқлик ва ёмонликдан қайтара-

ди, хусусан бир вақт намоз ўқишнинг савоби минг оч одамни тўйғизшидан фойдалироқдир), иккинчидан, ота-онага яхшилик қилиш (зеро, ота-она — рози — Худо рози!), учинчидан, Тангри Таоло йўлида жиҳод қилиш (яъни ўз қудрати етганча, ўз нафсига қарши курашиш, бу демак, кўзини, дилини, тилини, қўлини, оёғини ҳаромдан қаттиқ тийиш). Ва, ниҳоят, илож борича ҳаммиса талаби илм қилишдир.

Имом Муслимнинг ривоятларига кўра, расулуллоҳ Мухаммад (с.а.в.) демилшларким: «Кимда ким ўзига нимани раво кўрс, ўшани ўз биродарига ҳам раво кўрмагунча мусулмон бўлолмайдим». Демак, мусулмон мусулмонга тугишган ака-ука,

опа-сингилдай бўлиши, бир-бирига чинакам биродардек фақат яхшиликни раво қириши лозим ва лобид. Индаллоси, мусулмон кишининг мусулмон кишига киройи хушхулқлик билан, аммо сидқидилдан, ҳолисона, беғараз, ҳалол айтган илик, гоҳо эса нордон сўзи, берган оқилона маслаҳати, қилган йумуши, моддий ва маънавий кўмаги, далдаси, сиёлови, муомаласи, кўрсатган иззат-икромни, эъзози, садоқати, меҳр-мурувати, бошқаларнинг билар-билмас тажовузи, ҳақорати, таҳқирю тазнаси, дашномидан ҳимояси, ўзи ағаллаган билимларни ўзгаларга бебадал ўргатиш сингари жуда-жуда кўп нарсалар яхшиликнинг ранго-ранг кўринишларидир. Яхшиликни бу қадар кенг ва теран талқин этиш ва тушунишда исломий ахлоқнинг юксак даражадаги инсонпарварлик табиати жамол кўрсатади. Асрлар оша ислом сарчасмасидан бахраманд бўлиб келаётган она халқимиз бу узвий тамойилни тамсил билан: «Дилозордан Худо безор!» — дея лўнда ифодаляди.

Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) ўзларининг бир Ҳадисларидида марҳамат қилиб дейдиларки: «Хар бир подшоҳнинг ўз чегараси бор. Аллоҳнинг Ердаги чегараси Унинг ҳаром қилган нарсаларидир». Ҳақ Субҳонаху ва Таоло Қуръони Мажидада ҳалолу ҳаромга оид 500 тага айна ҳукм нозил қилган. Ҳадиси Қудсий ва Ҳадиси Шарифларда қанчадан-қанча хитобу итоблар, панду насиҳатлар келтирилган айна хусусда.

Қисқаси, ахлоқшунослик тили билан айтганда, исломий ҳалол ва ҳаром амрий (буюрувчи) ҳамда қатагон ахлоқий нормалар (қоида, намуна, ибрат)нинг худди ўзгичасидир. Маълумки, хар қандай айрим киши ўз фаолияти ва қундалик хулқ-атворидида даставвало ўз фардий (индивидуал) — шахсий эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Масаланинг бағоят нозиклиги шундаки, барчанинг фаолияти ва хулқ-атвори ташқаридан қараганда, зоҳиран бирдек қуринса ҳам, ботиний, ички мазмуни жиҳатдан турлича бўлиши мумкин ва амалда шундай бўлади ҳам. Ботиний мазмуни жиҳатдан эҳтиёжу манфаатлар асосан уч хил, чунотки ё шахсиятпарастлик (худбинлик, ёлғиз ўзим бўлайлик), ёки гуруҳпарастлик (кишилар ва жамият мол-мулкни турли йўл билан талаш, халк ва давлат қонини сўриш ҳисобига кун кўрадиган катта-кичик тўдалар, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик сингарилар), ёхуд жамиятпарварлик, элпарварлик характерига молик бўлиши мумкин. Мусулмончилик ахлоқи нуқтаи назаридан булардан иккитаси иллат ва биттасигина фазилатдир. Ислон асрлар оша фазилатни, яъни жамиятпарварлик, элпарварликни ёқлаб келади.

Ислоний ҳалол нормаси турфа касб-кор, ранг-баранг гуруҳ, тоифа, табақа, синфларга мансуб мусулмонлар-

нинг ўзaro ҳамда турли жамоалару жамият билан юритадиган алоқа-муносабатларда, муомалада сўзсиз рияз қилиниши лозим бўлган илоҳий қоида-талаблар ва исломий-ахлоқий қадриятларнинг бутун бир тизими сифатида жамол кўрсатади ва ҳаммиса умумжамият манфаатларини муҳофиза қилади. Ислоний ҳалоллик ҳамма эзгу фазилатлар — ростлик, тўғрилиқ, инсофдиёнатлилик, самимийлик, виждонлилик, оро номуслилик, шарм-ҳаёлилик, раҳм-шафқатлилик, одиллик, садоқатлилик, ҳолислик сингари кўплаб олий-жаноб хислатлар орқали намоён бўлади.

Ислоний қатагон (ҳаром) нормаси эса илоҳий қоида-талабларнинг шахсиятпарастлик ёки гуруҳпарастлик манфаатлари тазийкага бузилишига ҳамда айнаб кетишига йўл қўймаслиқни кўзляди. Ҳаромпарастлик жамияти манфур иллатларнинг, масалан, Аллоҳга ширк келтириш, беғамозлик, қўтилик, турфа хиёноткорлик, поражўрлик, юлғичлик, ичкиликвозлик, гиёҳвандлик, зинокорлик, ёлғончилик, товлмачилик, тухматчилик, чайқовчилик, мунофиқлик сингари кўпдан-кўп ярамас иллатларнинг онасидир ва ҳаромпараст кимса бу дунёда бўлмаса, албатта қабру охирада қилмишига яраша жазаго тортилади. Аллоҳнинг ҳукми фарақатгина қилишига сидқидилдан пушаймон бўлиб, ботил йўлдан батамом юз ўгирган ва илоҳий қоида-талабларга рияз қилиб яшай бошлаган бандга нисбатан ўзгариши мумкин. Эгамнинг даргоҳи кенг, раҳмати эса бекиёс, қай бандани қандай ва қайси йўл билан мағфират қилади, буну Узидан бошқа кеч ким билмайди.

Аммо биз, охиж бандаларга дунёвий ҳаётимиздан шу нарса аёнки, хар қандай ахлоқий норма, шу жумладан исломий ахлоқ нормаси ҳам гоҳ ҳаётий идеал — омом, гоҳида хулқ-атвор рисоласи, гоҳо ахлоқий баҳо-ҳукм ва шу асосда юзага чиқадиган муайян туйғу (севинч, мамнуният, афсус-надомак, қаҳр-ғазаб) ҳамда маълум хил ахлоқий муомала-муносабат (илик, кўрсқўпол, расмий, совуқ) шаклида намоён бўлади.

Ислоний қадриятлар, фазилатлар ва амаллар асос эътибори билан ҳаққу рост динни ҳамда инсоннинг ақл-идрокини, жонини, сиҳат-саломатлигини, наслини, шаън-шарафини, қадр-қимматини, ор-номусини, ҳаё-иффатини, обрў-эътиборини муҳофиза қилади, одамийликка зид иллатларни қоралайди, улардан ҳарар қилади. Майда-чўйда инсоний қусурлардан ташқари, Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган, одамийлик шаън-шарафини бўлғайдиган, ҳатто кишини инсон қаторидан чиқарадиган, шу боис даҳшатнок қабру дўзах азоб-уку-булларига гирифтор қиладиган 300 тадан зиёд иллат — гуноҳлар Қуръони Карим ҳамда Ҳадиси Қудсий ва Ҳадиси Шарифларда бирма-бир санаб ўтилган.

Илоҳи! Эртаю кеч ўткинчи ҳою ҳаваслар кетидан зир югуриш оқибатида охирашни батамом унутиб юборган, савоб билан гуноҳни, ҳаром билан ҳалолни бир-биридан фарқламай қўйган биз, охиж гуноҳкор бандаларингни Ҳидоят йўлига бошла, иймонимизни бақувват қил ва ахлоқи ҳамиди соҳибни бўлишимизга ўзинг мадад бер! Омийн!

Миён Содиқ РАБОНИЙ

● **Мухбиримиз хабар қилади**

БИР УМРЛИК САБОҚ

Республика «Маънавият ва маърифат маркази» Навоий вилояти бўлими қошида ҳисобчилар, сотувчилар, сартарошлар тайёрляйдиган пуллик курслар ташкил этилди. Талабалар малакали мухтаassisлардан сабоқ олмақдалар. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришда ҳам ўзларининг лаёқатли эканликларини намоийш этмоқдалар.

ФАН ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Навоий шахридаги «Фарҳод» маданият саройида «Истиқлол-5» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда навоийлик олимлардан ташқари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистондан ҳам таниқли олимлар иштирок этишдилар.

Республика мустақиллигининг беш йиллиги арафасида ўтказилган ушбу илмий анжуманда кон ва кимё саноатида фан ва илмий-техника ютуқларини жорий этиш борасидаги муҳим масалалар муҳокама этилди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Кармана шахридаги нон маҳсулотлари корхонасида янги иш жойлари барпо этилмоқда. Яқинда корхонада тикув цехи, совуён ишлаб чиқарадиган участкалар пайдо бўлади. Ҳозир корхона маъмурияти шу ернинг ўзида гишт цехини қуриш ишларини бошлаб юборди.

Маҳмуд МАРДИЕВ

ИСЛОМ ВА АХЛОҚ



Т. ХАМРОҚУЛОВ сурати

Оламга гап кўп
ИСМИ ИБЛИС
Япониялик бир жаноб ўғлига Акума (япончадан таржимаси «иблис») деб исм қўймоқчи бўлган эди. Токио шахри маъмурулари бу исм келгусида бола тақдирида салбий из қолдириши мумкинлигини ҳисобга олиб уни расмийлаштиришни иштамади. Лекин қарори қатъий ота маъмуруларни судга бериш ниятида.

Биз бугун сиз билан ҳаёлот сарҳадларида кезиб юрган ширин армонлару ёниқ туйғулар, эҳтирослару ҳиссиётлар ҳақида эмас, балки инсоний туйғулар лаззатидан мусову бўлган, ғам-ҳасрат гирдобига улоқтирилган кексалик ҳақида гаплашмоқчимиз. Биз кексаликни ҳазонрезги фаслга қиёс қилмоқчи эмасмиз...

Айтишларича ажинлар олдинги табассум ўринларида акс этса, кексалик зеб бераркан. Аммо мен қадам ранжида қилган даргоҳда учратган кексалик бундан мутлоқ мустасно. Чунки у ерда истиқомат қилаётган қарияларнинг юзларидаги беҳисоб ажинлар туганмас ғам-ҳасратдан сўзлаб тургандек.

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати дея номланган қариялар уйда узу-кун кузатганларим шу хулосага олиб келган бўлса керак.

«Соня опа (асл исми-шарифи Сагида Кудакеева) 20 йилдан бери бу даргоҳда ишлайдилар. Қарияларнинг отаси, онаси, боринги ўғли, қизи ҳам шу аёл. «Дастлаб ана шу жаннати аёл билан суҳбатлаша қолинг», дейишди менга. 250 ўринли бу пансионат ҳозирги кунда 150 нафар қаровчисиз қарияни қарамоғига олган. Пансионатдаги қариялардан 40 нафари оғир бетоб.

— Шунча йил давомида аянчли қисмат эгаларининг фожеасига шерик, ҳамдард бўлиш инсонни руҳан изтиробга солиб, юрагини кемтиб ташлайдику, — дейман Соня опага.

— Юраги кенг, иродаси, сабри бутун инсонгина бу ерда ишлашига ўзим ҳам энди амин бўлдим. Тақдир, қисматнинг энг аянчли манзараларини кўравериб, юрагингиз қонга тўларкан.

«Бир куни деразадан ташқарига қараб турсам, дарвозамиз олдида «ино-марка» келиб тўхтади. Ундан бир сатанг жувон тушди. Унинг ташрифидан ҳайрон бўлиб кузатиб турдим. Шунда у орқа ўриндикдан гўёки бир буюмни тортиб олгандек қўл учидан кампирни силтаб туширди. Ва ҳовлига киритдию, дарҳол жўнаб қолди. Ҳалиги аёл кампирнинг қизи эканлигини билганимдан кейин бир неча кун ўзимга келолмай юрдим» дея ҳикоя қилди Соня

опа.

Инсонийликни унутган нусхалар ўз отаси, онаси ёки қариндошини юрак ютиб пансионат остонасидан киритар эканлар, «қўшнисиман», ёки «узюқ қариндошиман, ёлғиз ўзлари қийналиб қолмасин деб шу ерга олиб келдим»,

қилинган. Пансионатдаги суҳбатимиз жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бу даргоҳдаги кексаларнинг 10 фоизга яқинигина ўз фарзандларидан рози эмас. «Энди хотиним ҳам, мен ҳам хизматдаги одамлар. Болалар боғчага, мактабга

салар қарилинган гаштини суриш, бир этак неварачевара ичида яйраш, ўғил-қизнинг роҳатини кўриш бахтидан махрум. Бунинг устига нега уларнинг фақат 10 фоизига ноқобил фарзандларининг оқибатсизлигидан нолиб, улардан норози эканликларини айтишдаётир?... Инсон қандай яшаётган экан, ўзи шунга муносиб, деган гап бор. Фарзандларга берилган тарбияга кўп нарса боғлиқ. Яъни фарзанд қалбига қанқанги уруғ қадалган бўлса, ҳосил ҳам шундан далолат бера бошлайди. Биз суҳбатда бўлган кексалар аксариятнинг хонадониди парокандалик, ахлоқсизлик, жиноятчилик қаби унсурлар бўлган. Демак... Маънавий ва ахлоқий тўқис оилада бундай аянчли воқеалар ҳеч қачон рўй бермайдику, ахир.

Сафарим ноҳурланаётиб, 65 ёшли Иззат ая билан суҳбатлашдим. Пансионат ҳодимларининг айтишича, 5 йил муқаддам уни қизи дарвозадан киритиб, уриб, сўкиб ташлаб кетган экан. Кўзи оғир ая қизи қўлида қолиб кетиб ана заҳмат чеккан. Ҳатто ўз невараси бувисининг устига қайноқ сув ағдариб, қўл-оёқларини куйдирган. Ая бу дардларни ҳудода солиб, қўшиқ куйлайди. Енидагиларнинг чўккан руҳини кўтариш учун, кўнгил ғуборларини ёзиш учун бор аламни қўшиқдан олади. Қадрни йиғлатаётган бу дардли қўшиқ эса кўнгли ирмоғига қўшилиб беихтиёр юрак томон сизади...

Алижон САФАРОВ

КАДРНИ ЙИҒЛАТГАН ҚЎШИҚ

Фикр

деган баҳоналар билан ўзини оқлашга уринишаркан. Виждон, иймонини ўзларининг ҳою-ҳавасларига сотиб, нафс қулига айланган ноқасларнинг ҳатто «ўлиб-нетиб қолса, ўзларинг кўмаверинлар» дея тилхат беришганини эшитиб, уларга бўлган нафратим ўн чандон ошди.

Қариялар уйига ташлаб кетилган кексаларни ҳеч ким йўқлаб турмасканда, деган фикрга келманг, тагин. Гоҳ-гоҳида «қимматли» вақтларини аямай келадиган, уларни бу ердан тез орада олиб кетишга қуюқ ваъдалар берадиган меҳрибон фарзандлар, қариндошлар ҳам топилиб қолади. Аммо уларнинг кўпчилигини ота-онанинг омонат дафтарчасидаги пули, мероси қизиктириб, васиятнома ундириш пайида бўлишади.


Маънавий қашшоқлик одамни тубанликка, жаҳолат ботқоғига тортишини куйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Уч ўғил ва икки қизи бўлган К. Ҳасанованинг пансионатга ташлаб кетилганига анча бўлган. У ишга яроқли бўлгани сабабли аяни пайтда шу ерда ишлаётган экан. Аммо ҳар сафар маош олганида қизларидан бири келиб, пулини олиб кетаркан.

Соня опанинг айтишларича, пансионатдаги Рая Башко исмли кампирнинг ўғли бир неча бора маст ҳолда келиб, онасининг хонасига кириб уялмасдан овқатини еб қўйибди...

Қариялар уйига аёллар 55 ёшдан, эр-

кетишади. Бутун бошли уйни кампирга ташлаб кетсак... Газ, электр энергияси дегангай. Қолаверса, кампиршонинг инжиқлиги доим хотинимни жигибийрон қилади. Бу ерда эса тенгдошлари ичида зерикмай ўтиради, иссиқ-совуғига ҳам мунтазам қарашади. Ўзимизни эглаб олгунимизча шу ерда яшасалар дегандики», деди Соня опага онасини йўқлаб келган бир фарзанд.

Кўзлариди дарду ҳасрат, қайғу милтираётган пансионат қарияларидан бир нарсани сўрашга истиҳоло қилдим. Ва бу саволнинг моҳиятини ўзимча очишга уриндим. Ўйлаб кўрин, нега бу ердаги кек-



А. Ҳайитметов сурати

ҚАЛБИНГИЗДАН ТИКАНЛАР ЎСМАСИН

— Холажон, қайанг, дадамлай бобомни уйишяпти!

Ёш боланинг таҳликали бу овозини эшитиб, беихтиёр сесканиб кетдим. Ҳашаматли дарвозадан югуриб чиққан қизчага кўзим тушиб, олдинга қараб юрдим. Яна тўхтадим. Йўл-йўл беқамас тўн кийган мўйсафид дарвозадан барини қоқиб-қоқиб чиқиб келди.

У кўринишдан файзлигина, кўркам соқоллари ўзига ярашган, истариси иссиқ киши эди. Очик эшикдан шиная, ораста ҳовли, айвонда бошини чангаллаб ўтирган йилгит кўрнарди. Кетолмай қолдим. Нима бўлганини? Кетай десам бир умр бу жумбоқнинг нималигини ўйлаб ўтишим мумкин. Бу ерда бўлган воқеанинг ечимини билмаслигим азоблашди аниқ эди. Мўйсафид кўчадаги омонат қўйилган курсида ўтирдим. Тавақал қилиб қизчанинг қўлидан ушлаб уйга кирдим.

— Ассалому алайкум! Кечирасиз, мен оилавий ишингизга аралашмоқчи эмасдиму лекин...

— Кираверинг, ҳечқиси йўқ. Биз аллақачон ҳаммага шарманда бўлиб улгурганмиз.

Оламда гап кўп

ТУВАКДАГИ ЛАБОРАТОРИЯ

25 йиллик изланишлардан сўнг япониялик олимлар унитарнинг янги намунасини яратдилар. Одамларнинг етти ухлаб тушига кирмаган ушбу тувакка ўтирган киши ўзининг соғлиги ҳақидаги 130 хил маълумотни олиши мумкин. Дастлабки хомчўтларга қараганда, бу ноёб тувакнинг баҳоси 30 минг доллар атрофида бўлар экан.

Қолаверса, сизнинг ташрифингиз ҳайрон қоларли воқеа эмас менга.

ЎҒЛИНИНГ ҲАСРАТИ

— Отангизнинг авзойидан, сиздан хафа бўлган кўринади шекилли, ёки...

— Нимага ҳам хафа бўлсинлар, ахир улар кўнгиллари тусанган «қасб»ни қилиб ўзларини овутиб юрибдилар-ку. Биз бўлсак...

... Онам вафот этганларига анча бўлди. Оиламизда мен ва иккита оинглим бор. Каттаси врач, кичиги стоардесса. Чет тиллар институтини битирган. Халқаро рейсларда уади. Ўзим заводда лойиҳачи-муҳандисман. Ҳеч нимадан камчилигимиз йўқ. Яхши тарбиялаб вояга етказган ота-онамиздан миннатдор эдик...

Раҳматли онамизнинг вафотидан кейин, отам сал девонасифатроқ бўлиб қолдилар. Туну кун газал айтиб ўтирадиган, уйдан тез-тез чиқиб, ҳатто, уч-тўрт кунлаб йўқ бўлиб кетадиган одат чиқардилар. Илгари нафақача катта лавозимларда ишлаганлар. Ўзлари гоё келишган киши бўлганлари учунми онамизни уриб-сўкиб, ҳатто, хиёнат қилиб хўрлаганлар. Тўнғич фарзанд бўлганим учунми кўпи эсимда қолган. Онам ҳаммасига чидар, асло кўнглини чўктирмас, ҳеч кимга дарду ҳасратини тўқмас, доимо кувноқ қуришига ҳаракат қиларди. Отамни ҳам еру қўқча ишонмай ардоқлар, хўрматини бажо келтирарди.

Ўлими олдида врачлар отамни қақришиб, «агар изтиробларини ичига ютмасдан биров билан ўртоқлашганда ҳам касали бунчалик бўлмасди, ҳали яшарди», деган эканлар. Ахир, онам кейинчалик руҳий хаста бўлиб қолганди-да. «Сиз олийжаноб кишига ўхшасиз, лекин, нега, нимадан аёлингиз бунчалар сиқилган экан», деб сўрашганда, отам ўқиб йиғлаганлари кўп олдимда.

Отам, сал кечроқ бўлса-да қанчалик фожеаларга сабабчи бўлганлигини тушушга менимча. Охириги руҳий кўзгаллишдан сўнг онамиз оламдан кўз юмдилар. Бунга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юрган отам кейинроқ ажабтовур одатлар чиқара бошлади.

Бир кун уйимизга хайр сўраб иккита қонибодомлик дарвешлар кириб келишди. Уша кун онамизга бағишлаб қандайдир маъра-

қа қилаётгандик. Ҳалиги дарвешлардан бири онамизнинг ҳақларига Қуръон тиловат қилар экан, унинг ширали овози ҳаммамизни сеҳрлаб қўйганди. Бу ҳол отамга қаттиқ таъсир қилди шекилли, дарвешларни икки кун олиб қолдилар.

Жаҳонгашта бу инсонларнинг гап-сўзлари, айтиб берган ибратмувоқеалари, ривоятларидан очигини айтсам ўзимнинг ҳам кўнглим алланечук бўлиб кетди. Отам уларга зўрға жавоб бердилару ўзи ҳам бутунлай уйдан кетиш, дарвешлик қилиш дардига тушиб қолдилар.

Кунларнинг бирида, адашмасам ҳайит кунлари арафаси эди, ҳалиги кишилар яна остона ҳатлаб кириб келишди. Отам улар билан йиғлаб кўришди. Нон чойдан кейин ишга кетдим, келсам хотиним, сингилларим йиғлаб ўтиришибди. Нимага денг, отам ҳалиги дарвешларга қўшилиб уйдан кетиб қолдилар. Исламаган жойимиз қолмади. Биров уёқда кўрди дейди, биров буёқда кўрди дейди. Охири ўзлари келиб қолди. Уч-тўрт кун ўтгандан сўнг сахар туриб яна гоийб бўлдилар. Неча йилки аҳволимиз шу. Кеча яна келдилар, ҳозир мана яна йўл тарафда тушиб қолган. Ахир кексачилик, иссиқ-совуғи бор, еб-ичини қандай бўлади...

Бошимни қайга уришни ҳам билмайман. Эл-юртдан номус қиламан. Отам эса қилган гуноҳларига тавба қилиб, шу йўл билан виждон азобидан халос бўлаётганмишлар. Уйда роҳату фароғатда яшаш у киши учун ҳаром эмиш. Дунё кезиб одамларга фақат яхшилик, савоб ишлар ҳақида сўзлар эмишлар. Балки, отамнинг тутган йўли тўғридир...

Умиримда бундай гаройиб ҳодисага дуч келмагандим. Нима дейишга-да ҳайрон эдим. Шу пайт дарвоза очилиб мўйсафид кириб келди.

ОТАСИНИНГ АРМОНЛАРИ

— Ўғлим юрагини бўшатиб бўлгандир. Ўзимнинг ҳасратимни ҳам айтмай, болам. Ҳаммасига ўзим айбодорман. Раҳматли аёлимга кўп азоб бергандим. Уч-тўрт кунлаб уйга ҳам келмай қолардим, уриб-сўкардим ҳам. У бўлса ҳар кун мени «Ассалому алайкум, дада-си!» — деб табассум билан қарши оларди. Фарзандларимизни оқ ювиб, оқ таради. Уни-

нг шунча садоқати-ю хокисорлигига қарамай инсондек муомала қилмасдим. Ҳатто, хотинимнинг қариндош-уруғлар, қўни-қўшинларнинг олдида мени кўкларга кўтариб мақташани ҳам орқаваротдан кўп бор эшитганман. Уйдан қил топмасдим. Кийимларим топтоза, дазмолланган, пазандалигигаку гап йўқ эди. Минг афсуслар бўлсинки, кўп нарсани йўқотганимни унинг вафотидан сўнг англадим. Виждон азоби намалигини билмасдим. Кейинги руҳий уқубатларимдан шунчалик қийналиб, бошимни қайга уришимни билмай юрганимда икки дарвеш эшигимдан кириб келди. Улар билан суҳбатлашарканман, қўндан бўён қалбимни тарт эгган осойишталик қайтаётганини сездим. Дарвешлар кетган бутунлай савдойига ўхшаб, ўзимни қўрға жой тополмай қолдим. Дарвешлар иккинчи бор келган қандай қўлиб улар билан бирга чиқиб кетганимни билмай қолдим.

Талай жойларда бўлиб, турли хангома, ривоятлар тинглаб кўнглим ором топа бошладим, дардларимнинг сал унутгандек бўлдим. Энди сира уйда ўтира олмасам керак. Аммо фарзандларим бу ишимдан уялишяпти. Утган кун келгандим. Бугун яна йўлга чиқиб иштиёқ қийналяпти. Ўғлим билан санаманга бориб қолдик, ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Бу дунёнинг орзу-ҳавасларини, қайғу армонларини кўриб бўлдим. Уйда ўтираверсам ўтмиш хатоларимни эслаб бошимни ургани жой топа олмай қоламан. Дарвешлик қилиб дунё кезмоқчиман. Бировга ёмонлигим ҳам, биров билан ишим ҳам йўқ!

Ота-боланинг гапларини эшитиб кимга ён босишни билмадим. Кимнинг ҳақлиги ёлғиз Яратганга аён. Бу инсон умр бўйи қалбиди ўсган тиконларнинг захридан энди қийналяпти. Шу азоблардан қутулиш учун шох Машрабдек дарвешликни ихтиёр қилган экан, на чора! Балки худонинг хоҳиши шундайдир...

Ўзим девона-ю Машраб,
Биров билан ишим борму?
Бу дунёдан кетар бўлсам,
Мени йўқлар кишим борму?

Басира САЙИД АЛИ

● **Бола — тарбиячи**

Яқинда бир даврада дугоналаримдан бири: «Доим биздан: «Болаларингизга қандай тарбия бераёлсизлар, нима ўргатаёлсизлар?» — деб сўрайди. Аммо ҳеч ким фарзандларимиз бизга қандай тарбия бераётгани билан қизиқмайди. Аслида улар бизга жуда кўп нарса ўргатади», — деб қолди.

Уша гап баҳона бўлди-ю узок-яқинда болалари билан мулоқотдан сўнг хулоса чиқарганини ҳикоя қилиб берган оналарнинг гапларини хотирладим. Ҳам болаларимнинг ҳолати, кайфияти, гап-сўзларидан таъсирланганини эслади.

Бу воқеаларни эслашдан олдин асосий бир гапни айтмай: фарзанд онага ҳамма нарсадан олдин туғилиши биланок, ҳали тилга кирмай туриб ҳаётни, яхшилиқни севишни ўргатади. Аёлнинг юрагида бола билан ҳеч қайси севгига ўхшамаган бир гўзал, қудратли муҳаббат туғилади. Авваллари аёл шунчаки хотин бўлади. Унинг нафрати, севгиси, қизиқишлари ҳам жўн бўлади. Арзимаган нарса ҳаётдан кўнглини совутиди, арзимаган нарса дилига гўбор солади, гина-аразларга мойил бўлади. Аммо фарзанди туғилгач, у фақат ўз хонадонига эмас, элу юртга тинчлик истайди, ҳаммани соғ, хотиржам кўргиси келади, яшаш учун ҳар қандай шароитда ҳам курашади. «Боламга касри урмасин» деб ёмон иш қилиш тугул, ёмон ҳаёл суришдан ҳам кўрқади.

Бу — фарзанднинг онага Бош тарбияси.

Кейингилари-чи?

Қизим етти ёшлар чамаси эди, тансиқ бир таом пиширган куним кўшнимга илдиндим. Косага овқат олиб, теласини ёпиб, қизимга: «Насиба холангга олиб чиқиб бер», — десам, қизим: «Бу косада олиб чиқмайман», — деди. «Нега?» деб ҳайрон бўлсам: «Бу кичкина коса, улар кўпчилик — олтита — биласизми, ҳаммасига олиб чиқиш керак», деди. Фалати бўлиб кетдим. Шу-шу бировга нарса чиқарадиган бўлсам қизим айтган жиҳатларини ҳам эътиборга оладиган бўлдим.

Яна бир гап, мен болаларимга доим: «Ўртоқларингдан ҳеч нарсани аяманглар, бир-бировларингни хурмат қилинглар, салга уришманглар,

Дунё яралибдики, яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан разолат ёнма-ён яшаб келади. Одамлар борки фақат ўзини ўйлаб яшайди, одамлар бор замондошларининг қувончлари, ташвишу дардларига шерик бўлиб нафас олади.

Сўхбатдошим Мухаррам ая Абдуллаева 63 ёшда. Икки ўғил, уч қизининг волидаси. Ўн беш неварга, бир чевараси бор. Касби ҳам оддий — ўқитувчи. Уттиз беш йилдирки шу касбда ишлайди. Хизматлари эвазига «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлган. Онахон айни кунларда пойтахтимиздаги 185-ўрта мактабда ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга ўзи истиқо-

ачқингиз чиқса-да, кечириб юборинглар», деб қайта-қайта тайинлардим.

Ўтган баҳорда эналари қишлоқдан бир талай гилос олиб келди, ўртоқларига бир ҳовчудан бердим. Кейин она эмасманми, ҳатто ўзимдан ҳам аяй бошладим. Улар эса яна ва яна ўртоқларига таший бошлади. Охири: «Болам, эналаринг шунча йўлдан сизларни деб кўтариб келди, енглар, бўлмаса хафа бўлади, ҳали ўртоқларингнинг ҳам эналари олиб келади», — десам, ўғлим «Ая, бунча қизганасиз, ўзингиз кеча унақа дегансиз, бугун бунақа дейсиз, ёлгончимисиз?» — деб қолди. Хижолат тортиб кетдим. Гапда собит туриш керак эканлиги, йўқса, болалар нигоҳида обрў йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмаслиги қайта-қайта кўнглимдан ўтди.

... Қиз бола каттароқ бўлаверса, онага кўзгу бўлар экан. Уйда ҳам, кўчада ҳам ҳар бир ҳаракатингизни ку-



Р. Албеков сурати

но юлдузлари оламга бошлаб кирарди.

Шунинг учун бўлса керак Салмонхон, Амирхон, Шохруҳхон исмли кино

Кўпчилик ота-оналар «Болаларим мактабга боргач, бошқатдан ўқувчи бўлдим» дейишади. Бу гапда шикоят оҳанги бўлса ҳам, ўз бошимдан кечирганларимдан англадимки, қайтадан ўқиш — умуман, бола билан дарс машғулотларини ўрганиш аёлни бойитади, деган қарорга келдим. Сиз бола олдидан хижолат чекмаслик учун китоб титасиз. Бола сизни ҳамма нарсани билади деб ўйлайди. «Билмайди» деган эътирофни у қабул қила олмайди. Яқинда ўғилчам билан инглиз тилидан шеър ўрганаётган эдик, «Ая, бу нима дегани?» — деб сўраб қолди, бир сўзни. «Билмадим, биз хориж тилларини ўқимаганмиз десам, ўғилчам ҳайрон қолди. Муаллимингдан сўра, маъносини олдин ўргатиб, кейин шеърни ёдлашга берсин, балки, бу тўрт сатр сўқишдир» десам, «Шеърда сўқиш бўлмайди», — деди. Шу гапнинг ўзи менга олам жаҳон фикр, ўй берди. Демак, болам шеърни шу қадар юксак хилқат деб билар экан-да, сўқиш шеърга сиғмайди, деган ҳақиқати бор экан-да, деб кувондим. Боламнинг бу гапидан мен унинг қалбидаги бир чизгини кашф этдим. Бу гапнинг ўзи унга энди бошқача муомала қилишим кераклигини ўргатди.

... Тангри Аёлни биринчи бор кашф этди, унинг иккинчи яратувчиси фарзанддир. Ушбу яратувчилардан Аёлни бенасиб қилмасин.

ҚУТЛИБЕКА

АЯ, УНДОҚ ЭМАС, БУНДОҚ

затиб турар экан. Бирор ўхшашсиз кийим кийсангиз ҳам, сочингизни ярашиқсиз турмакласангиз ҳам дарвор танбеҳ қилар экан. Баъзан бу одамга малол келса-да, ҳақиқат бўлгани учун қабул қилмасдан иложингиз қолмаскан.

Болаларимнинг менга берган сабоқлари ҳақида ўйласам ўйларим ўйларимга уланаверади.

Аёлнинг — онанинг иши кўп. Замон билан баравар қадам ташлашга ҳар доим ҳам улгуравермайди. Кино, театрлардан бироз бегоналашади. Болалар эса кун ўтган сайин энг урфдаги ҳодисаларга қизиқади, меҳр кўяди.

Сизни ҳам беихтиёр кино, театр янгилеклари, замонавий актёрлар, ки-

юлдузлари менга таниш.

Уларнинг филмлари ҳақида олдимга келган талаба қизлар билан бемалол сўхбатлаша олам.

Болалар яна она хайратини ҳам ўлдирмай туради. Улар билан кўча-кўйларга бирга чиқсангиз, «Ая, оймомони қаранг, бир чиройли чиқибди», «Ая, вуй, даррахт гуллабди», «Анави кушни қаранг, қанақа ажойиб, бунча кичкина» дея дунёнинг табиий гўзалликларидан дарақлашиб, сизни фалс, табиат билан боғлаб туради. Сиз уларнинг бу гапидан бирдан ўзингизга келасиз. Вақтни ҳис этасиз, дарахтлар, қушлар, ой, юлдузларга яқинроқ бўласиз, юрагингизда сизни тарк этган туйғулар қайтади.

Оламга гап кўп

ГАРОВ ЎЙНАШГА ШОШИЛМАНГ

Оши Окава исмли япониялик талаба йигит дўстлари билан рус рулеткаси ўйнашга гаров бойлашди. У автоматик пистолетнинг ўқдонига учта ўқ жойлаб, уни пешонасига тирадида тепкини босди. Одатда рус рулеткаси револьверда ўйналади, буни билмаган Оши эса фожезали ўлим топди.

● **Ибратли оилалар**

ЯХШИЛИҚДАН ОРТИҚ ФАЗИЛАТ ЙЎҚ

мат қилаётган Абдулла Набиев номли маҳаллада хотин-қизлар кўмитасининг раисаси. Мухаррам ая фидойи инсон, қўлидан келганича одамларга яхшилик қилишга интилади.

У киши билан бир пиёла чой устида бугунги ўзбек аёлларининг ўзлиги, маънавияти қолаверса, фарзанд тарбияси борасида сўхбатлашдик.

— Мухаррам ая, аёл киши сизнингча қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

— Аёл аввало аёл бўлмоғи керак. Ўзбек аёллари эса шарқ халқларига хос бўлган жамики хислатларни ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Халқимиз ўзлигини англаб етди. шарқона урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳаларига чўқур сингиб бормоқда. Шўро ҳукумати даврида қораланган дину иймон яна халқимизнинг онгини, шуурини ёритмоқда.

Бугунги ўзбек аёлининг елкасида турган яна битта катта масъулиятли вазифа соғлом ва баркамол ав-

лодни тарбиялаб вояга етказишдир. Зеро, фарзандлари соғлом юртнинг келажиги порлоқ бўлади.

— Ҳақ гапни айтдингиз, бугунги аёлнинг асосий бурчларидан бири соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш. Бу борада сиз етакчилик қилаётган маҳалла хотин-қизлар кўмитасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Маҳалла хотин-қизлар кўмитасининг 12 нафар аъзоси бор. Улар ўзларга бириктирилган хонадонлардан мунтазам хабардор бўлиб турадилар. Маҳалламизда истикомат қилувчи хотин-қизларнинг саломатлигини доимо назорат қилиб туриш мақсадида поликлиника амбулаторияси фаолият кўрсатади. Поликлиникада ҳомиладор аёлларимиз вақти-вақти билан кўриқдан ўтказилиб, уларга керакли маслаҳатлар бериб борилади. Бўлажак оналар то чақалоқ туғилгунга қадар врачлар назоратида бўлади.

— Баъзи оилаларда келин билан қайнона ўртасида уруш, жанжаллар бўлиб туради. Бунга мунсабатин-

гиз қандай?

— Ҳар бир оиланинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор. Қолаверса, рўзгор ўз оти билан рўзгор. Энди оиладаги қайнона-келин ўртасидаги можароларга келсак, халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Қолаверса, қарс икки қўлдан чиқади.

Мен ҳам қайнонаман. Келинларимдан бирортаси шўхлик қилса, ширин сўзлаб, ётиғи билан тушунтираман. Чунки, бу борада ёшларга нисбатан катталарнинг масъулияти кучлироқ. Агар қайсики она шу нарсани сезар экан, бундай оилада ҳеч қачон жанжал чиқмайди. Шу сабабданим, худого шукур бизнинг оилада бундай нохушлиқлар бўлмайди.

— Мухаррам ая, сиз ўқитувчиси, раҳматлик умр йўлдошингиз врич бўлган эканлар. Энг қизиқ томони шундаки, бешта фарзандингиз ҳам ота касбини эгаллашибди. Бунга сабаб нима?

— Раҳматли умр йўлдошим ҳали ҳаётлигидея икки фарзандимизни ўз соҳаларига қизиқтириб врачликка ўқитди. Сўнгра у киши оламдан ўтгач, қолган фарзандларим ҳам «Отамиз руҳини шод этамиз» деб шу касбини танлашди. Улардан розиман, сидқиқидан эл хизматини қилишмоқда.

Ҳа, ҳар бир инсон учун фарзандли бўлиш, фарзандни камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Мухаррам ая билан хайрлашар эканман, онахон қўларини дуога очиб эл-юртга тинчлик, ободлик тилаб қолдилар.

Мен эса у кишига узок умр тиладим.

Абдурашул ПАРДАЕВ



Оила — инсон учун муқаддас ва улуг макондир. Ҳар бир мамлакатда ўзига хос ишлаб чиқариш тизими, иқтисодий шарт-шароит бўлганидек, ҳар қайси оилада ҳам ўзининг ибратли томонлари-ю етишмовчиликлари бўлади. Оилада ҳаётни тўғри ташкил этиш оила бошлигининг салоҳияти ва тадбиркорлигига боғлиқ.

Ота-она учун барча фарзандлар — қиз-у ўғил бирдай қадру қимматга, меҳру муҳаббатга, эъзозу иззатга сазовордир. Фақат ўз болалари эмас, жамики болалар оналик бахтига муносиб аёл учун ғоятда азиздир.

Агар оилани кемага ўхшатсак, у ҳолда аёлни кемани бошқарадиган рулга қиёслаш мумкин. Аёллари оқила, тарбияли халқ ибрат бўлишга лойиқ, хотинлари тарбиясиз халқ эса бекарор, айна дамда хотинлари тиришқоқ, тадбиркор, сабр-бардошли халқ бадавлат, хотинлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши тайин. Оиланинг устунни аёлдир. Зеро, эркаклар хулқу одоб борасида хотинлардан бошқа ҳеч кимга бўйсунмайди. Ҳатто мукаммал таълим масканлари-ю теран тафаккур соҳиблари ҳузурда илм олувчилар ҳам ўз оналаридан олган тарбия билан яшайдилар ва бу тарбияни сўнгги кунларига қадар унутмайдилар.

Шу сабабдан ҳам донишмандлардан бири: «Инсонлар ҳар доим аёллар исташгани каби тарбия топадилар, агар улуг фазилатли инсонларга эҳтиёжин-

гиз бўлса, аввало аёлларга буюклик ва фазилат сирларини ўргатингиз», деган.

Тарбияли аёл ота-онасини, эрини, болаларини, бутун оила хулқини, оиласи билан муносабатда бўлган дўст ҳамда қўшиқларини, умуман, барчани тарбия, ҳусну хулқи билан мамнун қилади. Ўзи ҳам бахтли

МУҚАДДАС МАКОН

умр кўради. Тарбиясиз хотин бунинг акси ўлароқ ота-онасини, эру болаларини эл таъна-дашномига қолдиради. Болаларини тарбиясиз қилиб, улар умрини барбод қилади. Натижада, қиз ва она сифатида тирликлик ва охират неъматларидан маҳрум бўлади. Инсон нақадар бою юқори мартаба соҳиби бўлмасин, унинг хотини тарбияли бўлмаса, у бахтли бўлолмайди. Зеро, бахт оилада роҳатли умр кўрмоқдан иборат экан, оилада ҳузур топмаган инсон, оиладан ташқарида ҳам ҳузур тополмайди. Шу боисдан ҳам хотинлар тарбияли бўлишлари ниҳоятда зарурдир.

Хотинларнинг кўнгилларини оладиган фазилатлар улугворлик ва шафқатдир. Эр ичкилик ичмаслиги, қумор уйнамаслиги, ялқов ва юраксиз, йўқ нарсадан жанжал чиқарувчи, хотин-болаларини ташлаб саяқ юрнувчи, хотин тарафидан кўрсатилган илтифотга бефарқ бўлмаслиги лозим. Аксинча, эр хотинини кийим-кечак, ейиш-ичиш тўғрисида одатдан ташқари нарсаларга, исрофгарчиликларга одатлангирасин, кам харажат ва оз нарсасга қаноат қилишга ўргатсин. Зеро, зийнат билан лаззат, ичим-

Оиланда гап кўри

КИММАТБАХО БАНАН

Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказилган ким ошди савдосига бундан 7 минг йил аввал тош каби қотиб қолган банан ҳам қўйилди. Бу ноёб топилма нақ 80 минг долларга пулланди.

ликка мубтало кимса ҳамisha зийнга кетадиган харажат учун маблағ орттириш ниятида юради.

Тарбияли хотин эри ҳукмига қаноатда бўлмоғи лозим. Аббосий халифаларининг энг машҳурларидан ал-Мутавваққил Алий Аллоҳ Ибн Жаъфарга: «Ер юзида сиздан бахтли кимса ҳеч бўлмас», деганларида, халифа: «Хато сўзладингиз, гўзал уйи, эзгу ниятли хотини бор кимса бизлардан кўра бахтлироқдир», деб жавоб берган экан.

Х. САМАДОВ,
Фалсафа фанлари номзоди,
Ф. УСМОНОВА,
ТМО 4-курс талабаси

Деража

АЭРОФЛОТ ЮКСАКЛИҚДА

АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларида россиялик спортчиларни, расмий делегацияни, журналистлар ва бир гуруҳ мухлисларни Россия миллий авиакомпанияси самолётлари ташийдиган бўлди. Грузия, Арманистон ва Қозғистон олимпия кўмиталари ҳам Аэрофлот самолётларида Атлантага учишни маъқул топишди.

ҚИРОЛИЧАГА АТАЛГАН ҚАЛЪА

Дания қироличаси Маргит 56 ёшга тўлиши муносабати билан мамлакат фуқароларидан роқоқо услубида қурилган қалъани соғва сифатида қабул қилиб олди. XVIII асрда қурилган ушбу қалъани таъмирлаш учун эса давлат хазинасидан салкам 25 миллион АҚШ доллари сарфланди.

ЧАТОК БЎЛИБДИ-ДА

АҚШ президенти Клинтоннинг бизнесдаги собиқ ҳамкорлари — Макдугаллар оиласи ва Арканзаснинг ҳозирги губернатори Жим Такерга қўйилган 30 та айбдан 24 таси тергов жараёнида ўз иботини топди.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Англиянинг йўл полицияси ходимлари соатига 150 километр тезлик билан кетаётган машинани тўхтатишди. Маълум бўлишича, машинани бошқариб бораётган жаноб полицияда юқори лавозимлардан бирида ишлар экан. Шунга қарамай, йўл ҳаракати қондасини бузганлиги учун унга 30 фунт стерлинг жарима солишди.

ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Сибир савдо банкининг Олтой ўлкасидаги филиалида омонатчиларга пул ўрнига озиқ-овқат маҳсулотлари беришни йўлга қўйишди. Ўз омонатларини қайтариб олишдан умидларини узган мижозларга банкда олий ва биринчи навли ун, қанд, шакар беришмоқда.

ЁЗДА ТАШВИШ ОЗ ЭМАС

Бурятия ўрмонларида ёнгин ўчоқлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозиргача 74 минг гектар майдондаги ўрмон ёниб битган бўлиб, бу ўтган йилги микдордан юз баравар кўпдир. 50 дан ортиқ ёнгин ўчоғидан бор-йўғи 14 тасини ўчиришга муваффақ бўлинди, холос.

НОМУС ҚАНЧА ТУРАДИ?

Замбиялик бир жаноб тўққизинчи синфда ўқийдиган қизининг номусига теккан йигитни судга берди ва ундан 700 минг квач (550 долларга тенг) микдорда жарима ундириб беришни талаб қилди. Лекин суд бу суммани ақлга сиғмайдиган даражада кўп деб топди ва йигит 300 минг квач жарима тўлаши ҳақида ҳукм чиқарди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Сўхбатдошимиз Раёно опа Ҳамидова Учқўприк туманидаги «Беминнат хизмат» хусусий кичик корхонаси раҳбари, туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси.

— Бугунги кунда сиз раҳбарлик қилаётган корхонада аҳолига қайси турдаги хизматлар кўрсатилмоқда?

— Ушбу маиший хизмат уйи 1992 йилда «Беминнат хизмат» кичик корхонасига айлантирилган эди. 1995 йилда эса уни хусусийлаштириб олдик. Айна пайтда туманимиз аҳолисига: тикувчилик, сартарошлик, пойафзал таъмирлаш, сураткашлик, кийимларни кимёвий усулда тозалаш, электр асбобларини тузатиш каби хизмат турлари кўрсатмоқдамиз. Яқинда булар қаторига чархчилик ва автомашиналар баллонларини ямайдиган устахоналаримиз ҳам қўшилди.

— Эшитимча, Германияга бориб келибсиз. Бундан кўзда тутилган мақсад ва сафар таасуротлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Сафардан асосий мақсадимиз фарб тадбиркорлари билан

«ТУРМУШ» ТАДБИРИ

Оиладаги жанжал, моҳирларнинг оқибати турлича ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида маҳалла-қўй, қўни-қўшни, кенг жамоатчилик ва ҳуқуқ посбонларига катта масъулият юклайди.

Яқинда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан «Турмуш» дея номланувчи тадбир ўтказилди. Тадбирда вилоятнинг шаҳар ва туман ИИБ ходимларига корхона ва ташкилотларнинг жамоатчилик бўлинмалари ва маҳалла кўмиталари яқиндан ёрдам беришди.

Ун кун давом этган ушбу тадбир давомида 518 нафар шахс ички ишлар ходимлари томонидан профиллактик ҳисобга олинди. Улардан 221 таси эса оилавий жанжал сабабли турмушда турлича номувофиқликларга йўл қўйган шахслар бўлиб чиқди. Ачинарлиси шундаки, фарзандлар тарбияси билан шуғулланмаганлиги сабабли 5 нафар ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Искандар РАСУЛОВ,
Тошкент вилояти ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги

• Аёл ва бизнес

«ҲАММА ГАП ИНТИЛУВЧАНЛИКДА»

танишиш, ўзимизга маъқул замонавий технологияларни юртимизга олиб келиш эди. Шу ниятда Германиянинг «Фалсингер» фирмасида бўлдик. У ерда ишлаб чиқарилаётган тикув машиналари билан танишдик. Бизга 350 турдаги машиналарни кўрсатишди. Барчаси замонавий, компьютер ёрдамида бошқарилаётган экан. Тан олиш керак, биз ҳали бунақа тикув машиналарида ишлашга тайёр эмасмиз. Шунинг учун ўзимизга мос ва қулай машиналардан бир туркумини сотиб олиш юзасидан шартномалар туздик.

— Фирмангизга келаётган мижозлар билан сўхбатлашганимизда, улар сизни «қўли гул чевар» деб макташди. Чеварликни танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Менимча, ҳар бир аёл озми кўпми даражада бичиш-тикиш, тўқиш ишларидан хабардор бўлиши керак. Жумладан, менинг ўзим ҳали кичкиналигимданок шу соҳага қизиқардим. Қўғирчоқларимга турли хил қўйлакчалар тикардим. Кейинчалик бу қизиқиш ҳавасга айланди. 1969—1974 йилларда Москвадаги маиший хизмат технологияси институтининг тикувчилик технологияси факултетига ўқидим.

— Шу кунларда корхонангиз фаолиятини янада кенгайтириш бўйича яна қандай режалар устида ишляпсиз?

— Маълумки, қишлоқ аёллари қиш ойлари деярли бўш бўлиб, уйда ўтиришади. Шунинг эътиборга олиб, уйда иш бажаришга — зардўзлик, бичиш-тикиш, тўқишга қизиқиши ва уқуви бор хотин-қизларни жалб қилмоқчимиз. Улар уйларида ўтириб бизнинг буюртмаларимиз бўйича иш бажарадилар. Бундан ҳар иккала томон ҳам ютади. Яъни бизга келаётган буюртмаларнинг бажарилиш муддати тезлашади, аёлларимиз эса кўшимча даромад манбаига эга бўлишади.

Қолаверса, кичик корхонамизни ўқув марказига айлантириш ниятим бор. Хотин-қизлар, ёшлар шу ерда малакали устозлардан касб сирларини ўрганиб, маҳоратларини ошириб, сўнгга ўзлари мустақил иш юртсалар, соҳамиз янада ривожланган бўларди.

Хизмат турларини янада кўпайтириш устида ҳам ишляпмиз. Ҳамма гап изланишга, янгиликка интилувчанликка бориб тақалади. Ахир ишлайман деган одамга ҳукуматимиз катта имконият очиб берапти.

— Сўхбатингиз учун раҳмат.

Ҳамид СУЛАЙМОН
сўхбатлашди



ТАШАККУРНОМА

Мен яқинда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Себзор даҳасида жойлашган 9-поликлиника қошидаги шифохонада ётиб даволандим. Бу ерда меҳрибон шифокорлар барчага баробар. Улар кечани кеча, кундузни кундуз демай, қўлларидан келганича беморларнинг дардига шифо бахш этмоқдалар. Айнқиқа, Гавҳар Исломова, Раиса Губайдулина, Тулпорхон Алимова, Маълүра Зиёдова, Моҳира Маликова, Элбек Ҳайитов, Бахтиёр Манноновларнинг меҳрибонликлари, сидқи-дилдан амалга ошираётган муолажалари туфайли беморлар тез орада соғайиб кетишмоқда.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, тиббиёт ходимлари кун билан ана шу шифохонанинг қўли гул шифокорларини чин дилдан табриклайман. Уларни шарафли, аммо масъулиятли ишларида омад, соғлиқ-саломатлик тилаб қоламан.

Меҳмоноӣ ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳри

• **Маслаҳатлар**

**СЕПКИЛНИ ҚАНДАЙ
КЕТКАЗСА БЎЛАДИ?**

Сепкил — бу юз терисида пайдо бўладиган майда-майда хатарсиз доғлардир. Лекин унинг баъзи турлари, масалан қора доғлар қоннинг бузилганини курсатадиган аломатдир. Бундай пайтда албатта, мутахассис шифокорга мурожаат этиш лозим. Купинча қора доғлар ҳомиладор аёлларда учрайди. Доғларни кетказиш учун купроқ редиска, сут истеъмол қилиш керак.

Ҳар кун сархил пиёз, бодрингларнинг шарбати билан юз териси артиб турилади. Шунингдек, хинани қовурилган саримсоқ ва кул билан яхшилаб аралаштириб ва асал қўшиб паста ҳолига келтирилади. Сунгра тайёр аралашмани сепкил жойга суртиб 25-30 дақиқадан сунг илиқ сувда ювиб ташланади. Бу муолажа 10-15 кун мунтазам давом эттирилса, ижобий натижасини беради.

ОЙДИНЛИК САРИ

Ҳозир биз ҳақиқий бозор иқтисодиёти жараёнини бошимиздан кечирмоқдамиз. Энди харидорни алдаб бўлмайди. Бозор сифатсиз ва ялтироқ маҳсулотларга эшик очмайди. Бозор талаблари билан бирга одамларнинг диди ҳам ўсиб борапти.

Бундай жараёни Навоий шаҳрида ҳам кўриш мумкин. Илгари Навоий шаҳрида яқка-яғона бозор бўлгучи эди. Ҳозир эса бозор ва бозорчиларнинг сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Бу албатта яхшилик аломати. Бозорнинг кўлиги юрнинг тўкинлигидан дарак беради. Шу боис харидордан кўра сотувчи кўп деган эътирозларга эътибор ҳам бермаслик керак. Сотувчи кўпайди, демакки бу арзончиликдан нишона. Бугунги савдогарлар шўро давридаги коммунист сотувчилардан тубдан

фарқ қилади. Шўро давридаги дўконлар сотувчилари давлат етказиб берган маҳсулотни сотиш билан умргузаронлик қилишди. Ҳозир эса бундай эмас. Аввалгиларга ўхшамайдиган замон бўлди.

Яқинда биз Навоий шаҳридаги «Баҳовуддин Нақшбандий» хусусий мебел дўкон мутассадилари билан суҳбатлашганимизда бунга амин бўлдик. Айтиш керакки, ушбу хусусий дўкон Навоийда яғона ҳисобланади. Аҳолининг мебел ва ҳўжалик молларига бўлган талаб ва эҳтижлари катта. Саломат опа турмуш ўртоғи Иброҳим Эргашев билан ушбу мебел дўконини хусусий қилиб олганида деярли бўм-бўш эди.

Бироқ собиқ «Шодлик» дўконининг янги эгалари астойдил ишга киришдилар. Республикада мебел ва ҳўжалик моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар билан боғланишди. Жумладан Янгийўл, Тошкент мебел фабрикалари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг харидорлари кўпайди. Бундан ташқари республикадаги 40 дан ошиқ корхоналар «Баҳовуддин Нақшбанд» хусусий фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқда.

— Дўконимизга харидор яхши ният билан қадам қўяди. Биз ҳам уларни яхши ният билан кутиб оламиз. Бизнинг мақсадимиз ҳам битта. Буюк инсон номи билан аталаётган фирмамиз шаънига ҳеч қачон доғ тушмаслиги керак, — дейди Саломат опа.

Жамоа аъзолари Ҳазрат Нақшбандийнинг «Дил ба ёру дас ба кор» ҳикматига амал қилганлари боис бу ерда иш маромли текис бормоқда. Ҳар ойда бир миллион сўмлик товар айланганига эришилмоқда. Бу ютуқда Надежда Қиршак, Карим Қодиров, Римма Нураева, Раиса Равшанова, Жамол Едгоров сингари ходимларнинг алоҳида хизмати бор. Ҳожи Баҳовуддин Нақшбандий номини дилга жо қилиб ишлаётган жамоа мурувват ва саховат кўрсатиши фазилат деб билишди.

Катта шаҳарда ўтказиладиган тантаналарда ушбу жамоанинг ҳам кўшадиган ўз улуши бўлади. Фирма шаҳардаги «Мезмор» маҳалласини ўз ҳомийлигига олди. Яқинда Навоий Давлат педагогика институтида ўтказилган тадбирга ҳомийлик қилди. Фирманинг бундай хайрли ишлари кўп. Муҳими фирма жамоаси ойдинлик сари йўл тудди.



Мухаммад Амин сурати

Маҳмуд МАРДИЕВ

ШАБРИКЛАЙМИЗ!



Хурматли онажонимиз Фотимахон ҚОСИМОВА!

Кутлуғ 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга Оллоҳдан тан сихатлик, дил хотиржамлик тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг.

КУЁВЛАРИНГИЗ БОТИРЖОН

ва **ЗОКИРЖОН**

Кутлуғ бўлсин сизга бу тун камолот, Йўлингизда бахту шодлик ёр бўлсин. Иймон гулга кирсин муҳаббат

Бошингиз узра осмон беғубор бўлсин.

Сурхондарё вилояти Денов тумани Ислол Тўраев номли жамоа Қорахон қишлоғида истиқомат қилаётган хиянларим **Жаҳонгир ва Шахло!**

29 июн кунни бўладиган никоҳ тўйларингиз билан чин қалбдан табриклайман. Илоё, бахтли-саодатли, серфарзанд, сердавлат бўлинглар.

Тоғанг Мамаюсуф НАЗАРОВ
Тошкент шаҳри

РУСТАМ!

Сени барча дўстлар номидан туғилган кунинг билан кутлайман. Ишларинг доим ўнгидан келишига, ўйлаган нияларинг рўёбга чиқишига тилақдошман. Оллоҳ йўлингни порлоқ, умрингни узоқ қилсин, деб **ДАРМОН.**

**КИМКИ ТИРНОҚЛАРИНИ
ПАЙШАНБА КУНИ
ОЛСА...**

Пайғамбаримиз айтган эдиларки: кимки ўзини камбағалликда кўришни хоҳламаса, гуноҳларидан халос бўлмоқликни истаса тирноқларини пайшанба кунни олсин. Кимки тирноқларини пайшанба кунни олса у ўзини турли офатлардан сақлагай, касалликдан фориг бўлгай, ишлари бароридан келгай. «Ал-Барака» китобида айтилишича, пайғамбаримиз шундай деган эканлар: кимки тирноқларини пайшанба кунни жума киришида олса у ўзини пес бўлиб қолишдан сақлагай.

**ХУСУСИЙ
ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳар Охунбобоев номли тиббиёт билим юрти томонидан Абдурахмонова Мавжуда Абдунабиева номига 1977 йил берилган № 979639 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ОИЛА

52 ЁШДА

Тошкентлик, мўмин-мусулмон киши. Оиласидан ажрашган, ёлғиз қўл, меҳрибон, диёнатли. Касби-ишчи. Ўзига муносиб оилам, турмушим дейдиган, ўзбекона урф-одатларни қадрлайдиган, покиза, вафодор аёл билан қолган умрини биргаликда тинч-тотув, бахтли-саодатли яшаб ўтиш ниятида (1-2 ёш болалари бўлса ҳам майли). Уй-жойи бўлса кўчиб ўтишга рози «Оила-448».

Изоҳ: «Оила-433» тартиб рақамидаги абонент таҳририятимизнинг «Оила» бўлимига учрашишингизни сураймиз.

• **Ўн икки бурж остида**

дан асраб яшайдилар.

Мучал сохиблари ўз уйларини жуда севадилар, ўз уйдан бошқа ҳеч қаерда ўзларини эркин ҳис эта олмайдилар.

Пул жамғариш мучал сохибла-

«Қисқичбақа» сизга арзон кийим олгандан кўра, қиммат, чиройли, кулай ва кўпга чидайдиганидан олишни афзал деб билади.

«Қисқичбақа» ажойиб отадир.

У болаларни жуда севади, ўғиллари билан фахрланса, қизларини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилади, гарчи фарзандларига хуш келмаса-да, улар билан бир умр бирга бўлишни истади.

АЁЛЛАР. Аёл — «Қисқичбақа»лар оқшом — ой чиққанда бутунлай бошқача бўлиб қолади. У танқидни кўтара олмайди, шунингдек, кўпчиликнинг орасида изза бўлиб қолгудек бўлса, хўрликка чидай олмай даврандан чиқиб кетиши мумкин.

«Қисқичбақа» аёлнинг «мен унчалик чиройли эмасман, мен у қадар ёш эмасман, мен ақлли эмасман» деган гапларидан зеркишингиз мумкин. Бундай пайтларда иложи борича ўзингизни тутинг. У сизни севади ва йўқотиб қўйишидан кўрқади. Бу аёл қийинчиликка тушиб қолса кўп йўғлайди, аммо сабр-тоқат билан ҳаммасининг ўтиб кетишини кутади.

• **Бўш вақтингизда**

«ҲАЗИЛ» — ТОПҚИРЛИК МАШҚИ


Энига: 7. Молтопар кийим. 8. Бурмаднинг манбаи. 9. Нодонлик кушандаси. 12. Белбоққа ёлчимайдиган хунареманд. 13. Хонандаларнинг кўшиқ ижро этишдаги ашёси, мўъжаз асар. 16. Ўткир ичимликка шерик таом. 17. Суриштирмай паққос ўзлаштириладиган ўлжа. 21. Нафсига қул одам. 23. Илму маърифатдан бегоналик. 24. Хонанда-ю яллагилар тирикчилиги.

Бўйига: 3. Совға-саломсиз иш битирмайдиган мансабдор. 4. Душмандан ёмон дўст. 5. Тириклиги сув билан. 6. Эгилади, лекин синмайди. 10. Калтакесаклар шоҳи. 11. Меҳнат меваси. 14. Ҳаракатнинг натижаси. 15. Сиёсатдан аввали. 18. Бедарвоза эмас. 19. Бошлиқ хонасини безатувчи буюм.

Ёйлар бўйича: 1.

Баъзиларда иш битганда кўзийди. 2. Пўстлоғи зиравор ва шифобахш бўлган жанубнинг «чин» ўсимлиги. 20. Бозорнинг Хизр назар қилган ходими. Айримларда жигилдонга айланиб кетган инсоний фазилат.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



УМУМИЙ ТАЪРИФ.

Бу мучал сохиблари жуда очиккўнгил, сезгир ва хаёлпарастдирлар. Бу одамлар атрофдагиларга ғалати ва тушунарсиз кўринишади.

«Қисқичбақа»лар кўпинча ёлғизликни ёқтирадилар. Уларни салгина эътиборсизлик, бепарво нигоҳингиз билан ҳам хафа қилиб қўйишингиз ҳеч гап эмас.

«Қисқичбақа»лар сир сақлашни урдадилар. Уларнинг хаёлларига кириб бориш қийин, чунки «Қисқичбақа»лар ўз сирлари, орзу-умидларини доимо бегона кўз-

• **Хандалар**

«ТЎХТАТИШНИ БИЛМАЙМАН»

Истироҳат боғида велосипед хайдаб юрган йигитга милиционер:

— Нима, ўқишни билмайсизми, «Боғда велосипедда юриш тақиқланади» деб ёзиб қўйилганку, — деди.

— Ўқишнику биламан-а, лекин велосипедни тўхтатишни билмайманда, — жавоб қилди йигит.

ОРТИҚЧА ТАЛАБ

Баш мураббий масъулиятли ўйин олдидан футболчиларга кўрсатма бераёпти: «Бугун чиройли ўйин кўрсатиб ютишларинг ва албатта бирортаям огоҳлантириш олмасликларинг керак». Футболчилардан бири унга эътироз билдирди: «Сиз бизнинг олдимишга жудаям катта талаб қўйдингиз. Лекин инсоф қилинг, ё ютайлик, ё огоҳлантириш олмайлик».

КУЛАЙ ВАЗИЯТ

— Уят, шармандалик! Ўз дарвозанга тўп киритиб ўтирибсан-а, — танаффус пайтида футболчини уришди мураббий.

— Нима қилай, шундай кулай вазиятни кўлдан бой бергим келмади. — ўзини оқлади футболчи.

«МИЛЛИОНЕР БЎЛАМАН»

Ўқитувчи 7-синфда «Ким бўлсам экан?» деган мавзуда суҳбат ўтказаяпти:

— Элёр, катта бўлганимда сен қайси касбни эгалламоқчисан?

— Миллионерлик касбини...

ЙИРТҚИЧ ХАЙВОН

— Қани, Собиржон, йиртқич хайвонга бир мисол айт-чи?

— Ферма мудирини Даливой тоға.

— Вой, бу нима деганинг?..

— Дадамлар доим «Даливой бўридан ҳам йиртқич, бир ўзи битта хўкизни кўрдим демай «гум» қилади» дейдиларку.

Сўнги устун

БУНЧА УЗУН, ВОЙ-БЎЙ!

АҚШнинг Кентукки штатида Мамонт гори бор. Бу горнинг ўзига хослиги шундаки, у бирига уланган 200 залдан иборат бўлиб, узунлиги 250 километрга тенг.

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Ер шарининг тўртдан уч қисми сув билан қопланганини яхши биламиз. Хўш, бу горнинг аниқроқ рақамлар билан ифодалаш мумкинми? Ҳа, мумкин. Ердаги сувнинг умумий миқдори тахминан бир миллиард 500 миллион куб метрга етади.

САҚИЧЎРНИНГ ЭРМАГИ

АҚШнинг Вашингтон штатидаги Рэдмонд шаҳрида истиқомат қилувчи Кэти Ашлернинг оғзидан сақич тушмайди. У бир ой ичида чайнаган сақичларининг қоғозидан занжир ясаган эди, узунлиги 1819,9 метрни ташкил этди.

ТАНСИҚ ОВҚАТ

Гонконг ресторонларида энг тансиқ таом нима эканлигини биласизми? Улар илон шўрваси билан дунёга машхур. Шу мақсадда ҳар ойда Гонконгга 100 мингдан зиёд илон келтирилади.

КИЧКИНАЖОН, КИЧКИНА

XVIII асрда Непалда муомалага чиқарилган, қиймати чорак жавага тенг бўлган қумуш тангалар пул тарихидан энг энгил ва энг кичик танга сифатида ўрин олган. Унинг вазни борйўғи 0,002 граммга тенг бўлган.

ҚИЛАДИГАН ИШ БЎЛМАГАЧ

Асримизнинг 60-йилларида америкалик ўсмирлар бўш қолишди дегунча қайси русумдаги энгил машинага кўпроқ одам сифишини аниқлаш билан машғул бўлишган. Масалан, Калифорния штатидаги Фуллертон шаҳрида «Фолксваген» машинасига нақ 31 киши тикилишиб минишга муваффақ бўлган эди.

ҚАМОҚХОНА ГЎЗАЛЛАРИ

Юнонистоннинг Пирсус шаҳридаги аёллар қамокхонаси маъмурияти 15 йиллик анъанадан воз кечишга мажбур бўлди. Бу ерда ҳар йили гўзаллик танлови ўтказиларди. Бу йилги танловда совринли ўрин ололмаган «қамокхона гўзаллари»дан бир гуруҳи ҳакамлар хайъатининг уч аъзосини гаровга олишди.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАХИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САФАРОВ навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0330 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.